**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 14**
(ишларни бажаришга оид)

**“25” июнь 2022 йил** **Навоий ш**

Хизмат кўрсатиш шаклида рўйхатдан ўтган **“QIZILQUM ZAR ZAMIN” МЧЖ** (бундан кейин матнда “БАЖАРУВЧИ” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи жамият раҳбари **Ф.Вафоев** бир томондан ва **Навоий вилоят халк таълими бошқармаси** (бундан кейин матнда “БУЮРТМАЧИ” деб юритилади) номидан буйрук асосида биринчи имзо чекувчи бошлиқ ўринбосари **Ш.Бозоров** иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар ҳақида тузишга келишдилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Мазкур шартнома бўйича “БАЖАРУВЧИ” “БУЮРТМАЧИ” га юк автомашинаси билан автотранспортда ташиш хизмати кўрсатиш, яъни юкларни буюртмачи буюртмасига биноан белгиланган манзилга етказиш (кейинги ўринларда “ХИЗМАТЛАР” деб юритилади) хизматини кўрсатиш, “БУЮРТМАЧИ” ушбу “Хизматлар” ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбурятини ўз зиммасига олади.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1 “БУЮРТМАЧИ”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “БАЖАРУВЧИ”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “БАЖАРУВЧИ”дан “Хизматлар” “БУЮРТМАЧИ”нинг ҳисобига бошқа транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “БАЖАРУВЧИ”дан мазкур шартномага асосан бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “БАЖАРУВЧИ” дан талаб қилиш.

### 2.2 “БУЮРТМАЧИ” нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Хизматлар” га мазкур шартноманинг 3.1 - бандида кўрсатилган нарх бўйича ҳақ тўлаш.

### 2.3 “БАЖАРУВЧИ” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “БУЮРТМАЧИ” дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар” ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “БУЮРТМАЧИ” дан талаб қилиш.

### 2.4. “БАЖАРУВЧИ” қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. “БУЮРТМАЧИ” га мазкур шартномага мувофиқ ёки “БУЮРТМАЧИ” томонидан мазкур шартноманинг 4.6-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган буюртманомага мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда “Хизматлар” ни кўрсатиш;

2.4.2 “БУЮРТМАЧИ” томонидан белгиланган хизматларни 2022 йилнинг ________________________________ га қадар тугатиши лозим.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 392 871 616 (Уч юз тўқсон икки миллион саккиз юз етмиш бир минг олти юз ўн олти) сўмни ташкил этади.

3.2. Кўрсатилган “Хизматлар” учун тўлов пул кўчириш йўли билан олдиндан умумий сўмманинг 30 фоизи яъни ______________________________ сўм тўлаш, қолган қисмини ташиш хизматлари бажарилгандан сўнг амалга оширилади.

## 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.2. “Хизматлар” ни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. “БУЮРТМАЧИ” муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган “Хизматлар” ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда “Хизматлар” кўрсатилиши ушбу ассотиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган “Хизматлар” ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган “Хизматлар” нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай “Хизматлар” “БУЮРТМАЧИ” нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган “Хизматлар” кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.5. Кўрсатилган “Хизматлар” бевосита “БУЮРТМАЧИ” нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган “Хизматлар” миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.6. Шартномада назарда тутилган “Хизматлар” кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки “БУЮРТМАЧИ” нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда “БАЖАРУВЧИ” Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома “Хизматлар” нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин масъул ходим (чопар) орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани масъул ходим (чопар) орқали қабул қилишда “БАЖАРУВЧИ” нинг ходими “БУЮРТМАЧИ” да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.7. “БУЮРТМАЧИ” илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд “Хизматлар”нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “БАЖАРУВЧИ”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган “Хизматлар” сифати, миқдори “БАЖАРУВЧИ” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиш ҳоллари аниқланган тақдирда “БАЖАРУВЧИ” кўрсатилаётган “Хизматлар” нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади.

5.2. “Хизматлар” кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун “БАЖАРУВЧИ” “БУЮРТМАЧИ” га кўрсатилиши керак бўлган “Хизматлар”нинг 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Хизматлар кўрсатилиши кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда “БАЖАРУВЧИ” “БУЮРТМАЧИ”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган “Хизматлар” қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва “Хизматлар” кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.4. Кўрсатилган “Хизматлар” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “БУЮРТМАЧИ” “БАЖАРУВЧИ”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолатларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида жавобгар бўладилар.

## 6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

6.1. Тарафлар шартнома тузади, шартноманинг амал қилиш муддати ва ушбу муддат тугагандан сўнг шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

6.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайди.

6.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг идроя органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлиги, шунингдек, моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида тассурот қолдирмаганлигини) кафолатлайди.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар ўзаро ҳал этилмаган келишмовчиликлар ва низолар юзасидан бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Ушбу шартнома иккала томондан имзоланиб, мухрланиб, Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## 9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

| **“БАЖАРУВЧИ”** | **“БУЮРТМАЧИ”** |
|---|---|
| **“QIZILQUM ZAR ZAMIN” МЧЖ** | **“Навоий вилояти халк таълим бошқармаси”** |
| Манзили: Навбаҳор т. Оқ-олтин 137 | Навоий ш. С.Айнийкучаси 27-уй |
| Телефон: +99899-753-13-14 | Тел: 79-220-22-23 |
| Ҳ.р: 20208000105040419001 | Ҳ.р:100021860124017092100075001 |
| Банк номи: “Хамкорбанк” АТБ Навоий фил. | Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ |
| МФО: 01064 СТИР: 306252244 | МФО:00014. СТИР:200006469 |
| Раҳбар: __________ Ф.Вафоев | Раҳбар ўринбосари: __________ Ш.Бозоров |

QIZILQUM ZAR ZAMIN

Ushbu shartnoma loyihasining barcha bandlari O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining tegishli moddalari va O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida" gi Qonuni me'yorlariga mos keladi.
Yuristkonsul't ________ Q.R.Ostonov
"30" 06 2022 yil

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 109045 на приобретение Навоий вилояти Халк таълими бошкармаси тасарруфидаги таълим муассасаларига кумир ташиш хизмати**

Способ проведения электронный

Дата 25.06.2022

Время рассмотрения 25.06.2022 17:44

Конкурсная комиссия Навоий вилояти Халк Таълими Бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | BOZOROV SHUXRAT UKTAMOVICH | Бошкарма бошлиги уринбосари | Навоий вилояти халк таълими бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | BEKKULOV FARXOD SAYFULLAYEVICH | Булим бошлиги | Навоий вилояти халк таълим бошкармаси |
| **Член комиссии** | KAYEPOV TALGAT BARNAYEVICH | Булим бошлиги | Навоий вилояти халк таълими бошкармаси |
| **Член комиссии** | YEREJEPOV AYBEK KURALBAYEVICH | Бош хисобчи | Навоий вилояти халк таълими бошкармаси |
| **Член комиссии** | TILAVOV OTABEK NORPULOTOVICH | Бошқарма бошлиғи ўринбосари | Навоий вилояти Халқ таълими бошқармаси |
| **Член комиссии** | ASTANOV MURODULLA MAXAMATOVICH | Хужалик ишлари мудири | Навоий вилояти халк таълими бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.06.2022 года № лота 109045.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по перевозке грузов** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по перевозке грузов |
| Количество товара | 463 292.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 900.00 |
| Стартовая сумма | 416 962 800.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Юк ташиш машиналари хайдовчиларининг малакаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Юк ташиш машиналари хайдовчиларининг иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги керак. Уларнинг мехнат дафтарчалари (туман(шахар) бандлик бўлими томонидан тасдикланган холда) илова қилинади.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО KO`MIR TA`MINOT** | 30 | ишчи ходимлар туғрисида маълумот | 20 | Экспертная | | |
| **ЧП FAYZI-SATTOR** | 30 | 30 | 30 | Экспертная | | |
| **ООО QIZILQUM ZAR ZAMIN** | 30 | 392,871,616.00 | 25 | Экспертная | | |
| **"ASHRAF" xususiy korxonasi** | 30 | 30 | 10 | Экспертная | | |
| **NUR FAYZ - 2020 MCHJ** | 30 | да | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |

Критерий №2 Мазкур ишни ўз вақтида бажариб бериш буйча кафолат хати ва бажарувчининг молиявий ахволи тўғрисидаги маълумотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Мазкур ишни ўз вақтида бажариб бериш буйча кафолат хати ва бажарувчининг молиявий ахволи тўғрисидаги маълумотлари илова қилинади.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО KO`MIR TA`MINOT** | 30 | кафолат хати | 30 | Экспертная | | |
| **ЧП FAYZI-SATTOR** | 30 | 30 | 30 | Экспертная | | |
| **ООО QIZILQUM ZAR ZAMIN** | 30 | 392,871,616.00 | 15 | Экспертная | | |
| **"ASHRAF" xususiy korxonasi** | 30 | Файл жойлаштирилди | 20 | Экспертная | | |
| **NUR FAYZ - 2020 MCHJ** | 30 | да | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |

Критерий №3 Юк ташиш машиналари сони

Тип: Текстовое значение

Описание: Юк ташиш машиналари сони 6 тадан кам булмаслиги шарт. Юк машиналари расмлари илова қилинади. Техник кўрикдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома илова қилинади. Юк машиналарининг тех паспортлари орқа-олди расмлари илова қилиниши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО KO`MIR TA`MINOT** | 40 | техник туғрисида маълумот | 20 | Экспертная | | |
| **ЧП FAYZI-SATTOR** | 40 | 40 | 40 | Экспертная | | |
| **ООО QIZILQUM ZAR ZAMIN** | 40 | 392,871,616.00 | 40 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"ASHRAF" xususiy korxonasi** | 40 | 40 | 20 | Экспертная | | |
| **NUR FAYZ - 2020 MCHJ** | 40 | да | 30 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ЧП FAYZI-SATTOR** | 416 962 800.00 | 413 256 464.00 | 23.06.2022 23:13:14 | 95.07 |
| **ООО QIZILQUM ZAR ZAMIN** | 416 962 800.00 | 392 871 616.00 | 24.06.2022 17:03:59 | 100.00 |
| **"ASHRAF" xususiy korxonasi** | 416 962 800.00 | 416 962 800.00 | 24.06.2022 21:39:54 | |
| **ООО KO`MIR TA`MINOT** | 416 962 800.00 | 416 962 800.00 | 23.06.2022 16:08:08 | 94.22 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ЧП FAYZI-SATTOR** | Прошел | 95.06726 | 95.06726 |
| **NUR FAYZ - 2020 MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ООО QIZILQUM ZAR ZAMIN** | Прошел | 100 | 100 |
| **"ASHRAF" xususiy korxonasi** | Прошел | | 0 |
| **ООО KO`MIR TA`MINOT** | Прошел | 94.22222 | 94.22222 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 109045 от 25.06.2022 года на приобретение Навоий вилояти Халк таълими бошкармаси тасарруфидаги таълим муассасаларига кумир ташиш хизмати определила победителем:

ООО QIZILQUM ZAR ZAMIN
306252244

и резервный исполнитель: ЧП FAYZI-SATTOR (205233784)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | BOZOROV SHUXRAT UKTAMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KAYEPOV TALGAT BARNAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YEREJEPOV AYBEK KURALBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ASTANOV MURODULLA MAXAMATOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП